



КОРХОНАЛАР МОЛИЯВИЙ РЕСУРСЛАРИНИ ШАКЛАНТИРИШ ВА САМАРАЛИ БОШҚАРИШНИНГ СОЛИҚ ДАСТАКЛАРИ

doi doi.org/10.55439/ECED/vol24_iss3/a46

Бабаҳонов Жаъфар Мухиддинович -
ТДИУ ҳузуридаги «Ўзбекистон иқтисодиётини
ривожлантиришнинг илмий асослари ва
муаммолари» илмий тадқиқот маркази
мустақил тадқиқотчиси

Аннотация. Мақолада Ўзбекистон Республикасида иқтисодиёт эркинлашуви ва модернизациясининг ҳозирги босқичида корхона молиявий ресурсларини шакллантириш ва самарали бошқаришнинг солиқ дастаклари тадқиқ этилган, солиқ сиёсатининг трансформацияси истиқболларида корпоратив солиқ менежментини такомиллаштириш ўйлари илмий асослаб берилган.

Калим сўзлар: корхона, молиявий ресурслар, корхона молиявий ресурсларининг шаклланиши манбалари, фойда, фойда солиғи, соф фойда.

НАЛОГОВЫЕ РЫЧАГИ ФОРМИРОВАНИЯ И ЭФФЕКТИВНОГО УПРАВЛЕНИЯ ФИНАНСОВЫМИ РЕСУРСАМИ ПРЕДПРИЯТИЙ

Бабаҳонов Джасаъфар Мухиддинович -
Независимый научный сотрудник научно-исследовательского
центра «Научные основы и проблемы развития экономики Узбекистана»
при Ташкентском государственном экономическом университете

Аннотация. В статье исследованы налоговые рычаги формирования и эффективного управления финансовыми ресурсами предприятия, научно обоснованы пути совершенствования корпоративного налогового менеджмента в перспективе трансформации налоговой политики в Республике Узбекистан на современном этапе экономической либерализации и модернизации.

Ключевые слова: предприятие, финансовые ресурсы, источники формирования финансовых ресурсов предприятия, прибыль, налог на прибыль, чистая прибыль.

TAX LEVERS OF FORMATION AND EFFICIENT MANAGEMENT OF ENTERPRISE FINANCIAL RESOURCES

Babakhonov Jafar Mukhiddinovich -
Independent researcher of the research center "Scientific foundations and problems of the development of the economy of Uzbekistan" under the Tashkent State University of Economics

Abstract. In the article, at the current stage of economic liberalization and modernization in the Republic of Uzbekistan, the tax factors of the formation and effective management of the company's financial resources are researched, the ways of improving corporate tax management in the perspective of the transformation of the state tax policy are scientifically justified.

Key words: enterprise, financial resources, sources of formation of enterprise financial resources, profit, profit tax, net profit.

Кириш. Жаҳон амалиётига кўра, хўжалик субъектлари фаолияти барқарорлигини таъминлашнинг самарали механизмида молиявий ресурсларни шакллантириш ва самарали бошқаришнинг солиқ дастакларини такомиллаштириш мухим ўрин тутади. Жаҳон иқтисодиётининг ҳозирги замон ривожланиш қонуниятлари ва унинг солиқ омилларини чукӯр таҳлил этиш дунёнинг тараққий этган давлатларида солиқ юкини камайтириш, солиқ турларини унификация қилиш ва солиқ ставкасини пасайтириш, солиқларни тўлаш ва солиқ ҳисоботларини тақдим этишнинг электрон тизимини ривожлантиришда замонавий ахборот технологияларини қўллаш, бизнесни юритиш учун қулай инвестицион иқлим ва ишбилармонлик муҳитини яра-

тиш масаласига алоҳида эътибор берилаётганлигини тасдиқлади.

Халқаро амалиётда хўжалик юритувчи субъектлар молиявий фаолиятига солиқларнинг таъсири юзасидан кенг кўламли илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Илмий изланишларда жаҳон бозори конъюнктурасидаги кескин ўзгаришлар, халқаро солиқ амалиёти ва унинг бизнес муҳити, рақобатнинг миллий доирадан жаҳон даражасига чиққанлиги асосида солиқларнинг хўжалик юритувчи субъектлар молиявий-хўжалик фаолиятига ижобий таъсирини таъминлашга оид ўрта ва узоқ муддатли стратегияга таъсир этувчи омилларни олдиндан баҳолаш кабиларга алоҳида эътибор қаратилган. Халқаро миқёсда солиқларнинг корхоналар молиявий-хўжалик фаолиятига таъсири юзаси-

дан илмий тадқиқотлар тизимили равища олиб борилмоқда ва бунда АҚШ, Гарбий Европа, Япония, Сингапур, Жанубий Корея олимлари уларнинг методологик ва амалий аҳамиятига, МДҲ мамлакатларида эса кўпроқ назарий жиҳатларига ургу берилмоқда. “Хозирги вақтда глобал миқёсда солиқ сиёсатининг энг кўзга кўринган масалаларидан бири рақамли иқтисодиётнинг солиққа тортиш режимини танлаш ва хўжалик субъектларининг рақамли фаолиятдан олинган даромадларини тақсимлаш жараёни нинг автоматлаштирилган тизимини яратиш ҳисобланади”[1]. Халқаро тажрибада натижага асосланган солиқ ислоҳотлари фан, технология ва инновацион сиёсатининг узвийлигидан далолат беради. Бу жиҳат ўз-ўзидан миллий ва халқаро даражада натижага асосланган комплекс тадқиқотлар олиб бориш орқали солиқларнинг корхоналар фаолиятига таъсирини амалда тадқиқ этишини шарт қилиб кўймоқда.

Ўзбекистонда жаҳон андозаларига мос самарали солиқ тизимиға таянувчи мустаҳкам иқтисодий асос ҳамда реал натижага асосланган истиқболли тараққиёт йўналишларини белгилаш, солиқ юкини камайтириш ва солиққа тортиш тизимини соддалаштириш сиёсатини давом эттириш, солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш ва тегишли рағбатлантирувчи чораларни кенгайтиришга жиддий аҳамият берилмоқда. Солиқ юкини пасайтириб бориш, хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги унинг номутаносиб тақсимланишини бартараф этиш, солиқ маъмуриятчилигидаги номукаммалликлар туфайли солиқларни ҳисоблаш ва тўлашдаги муаммоларни бартараф этиш, солиқ тўловчилар билан солиқ органлари ўртасидаги иерархар муносабатларга йўл қўймаслик ва уларнинг “ҳамкорлиқда ўсиши”ни таъминлашга эришиш, тадбиркорлик субъектлари фаолиятига тўсқинлик қиласиган асоссиз солиқ текширувларини бартараф этиш ва солиқ маслаҳати кўрсатиш ҳамда самарали назорат тадбирларига ўтиш вазифаси белгиланди. Республикаизда “...бешинчи тоифага киравучи, шароити энг оғир бўлган 20 та туман учун айланмадан олинадиган солиқ, фойда солиғи, ижтимоий солиқ ставкаларини 1 фоиз миқдорида белгилаймиз. Мазкур туманлардаги тадбиркорлар ер ва мол-мулк солиқлари бўйича ҳисобланган сумманинг атиги 1 фоизини тўлайди. Якка тадбиркорлар қатъий ставкадаги солиқларни тўлашдан озод этилади. Бюджет харажатлари, аҳоли ва тадбиркорлар олдида мажбуриятларимизни қисқартиргани ҳолда, бизнесга солиқ юкини камайтириш бўйича ишларни давом эттирамиз. Жумладан, 1 январдан бошлаб кўшилган қиймат солиғи ставкасини 15 фоиздан 12 фоизга пасайти-

риш ҳисобидан тадбиркорлар ихтиёрида йилига камида 14 триллион сўм маблағ қолади” [2].

Хозирда “Мамлакатнинг жаҳон миқёсида ги аҳамиятли, барқарор ва мустаҳкам мавқеларни эгаллашини таъминлашнинг муҳим солиқ дастаклари айнан солиқларнинг корхоналар молиявий-хўжалик фаолиятига таъсири ва уни самарали бошқаришнинг янгича мазмуни билан боғлиқ ва ушбу масала Янги Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган Тараққиёт стратегиясини 2022 йилда амалга ошириш бўйича Йўл харитасида [3] муҳим йўналиш сифатида белгилаб берилган. Бу эса мазкур илмий мақола мавзусининг бугунги кунда давлат солиқ сиёсати трансформациясининг долзарб масалаларидан бири эканлигини кўрсатмоқда.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили.

“Корхонанинг молиявий ресурслари” тушунчасининг мазмунини ўрганаётганда шуни таъкидлаш керакки, уларни тушуниш учун кўплаб мұқобил ёндашувлар мавжуд. Шундай қилиб, Б.А.Райзберг молиявий ресурслар деганда, хўжалик юритувчи субъектга тегишли бўлган ҳар хил турдаги маблағлар ва молиявий активлар йиғиндиси сифатида тушунади [4, 60-б.]. Шу билан бирга, улар барча тушумлар ва харажатларнинг ўзаро таъсири, шунингдек, ушбу маблағларни тақсимлашнинг якуний натижаси сифатида ишлайди.

В.Г.Золотогоров фикрича, молиявий ресурслар деганда, бизнеснинг ихтиёрида бўлган даромадлар, жамғармалар ва нақд пул тушумлари тушунилади, уларнинг асосий мақсади мавжуд молиявий мажбуриятларни бажариш, такрор ишлаб чиқаришни кенгайтириш, молиявий ва иқтисодий рағбатлантириш билан боғлиқ харажатларни қоплаш ва ишчиларнинг эҳтиёжларини қондиришдир [5, 121-б.].

Л.Н.Павлова молиявий ресурсларга нисбатан чекланган таъриф беради, уларга фақат барча жорий мажбуриятлар бажарилгандан кейин корхона ихтиёрида қоладиган такрор ишлаб чиқариш жараёнларини молиялаштиришнинг ўз манбаларига ишора қиласи. Бундай талқин мутлақо тўғри эмас. Бу хўжалик юритувчи субъектнинг ёпиқ тизим эмаслиги билан боғлиқ. У ташқи муҳит билан ўзаро таъсирга эга ва бир қатор омилларга бевосита таъсири қиласи. Кўриниб турибдики, ушбу талқин молиявий-иқтисодий инқироз шароитида корхонанинг барқарор фаолиятини таъминлашда муҳим роль ўйнайдиган қарз ва қарз маблағларини қамраб олмайди.

И.А.Бланкнинг таъкидлашича, молиявий ресурслар мақсадли характеристидаги маблағлар шаклида келадиган ўз ва қарз маблағлари, шунингдек, уларнинг эквивалентлари йиғиндиси бўлиб, уларнинг мақсади келгуси даврларда

унинг иқтисодий фаолиятини таъминлашdir [6, 78-б.].

Н.В.Колчина уларни корхонанинг молиявий мажбуриятларини тўлиқ ва ўз вақтида бажариш, жорий харажатлар ва ишлаб чиқаришни кенгайтириш билан боғлиқ харажатларни молиялаштириш учун зарур бўлган ўз пул даромадлари ва ташқи тушумлар тўплами сифатида белгилайди.

Е.П.Коптеванинг фикри алоҳида қизиқиш уйғотади. Муаллиф корхонанинг молиявий ресурсларини унга хизмат қилувчи қиймат шакли сифатида кўриб чиқиши таклиф қиласди ва тақрор ишлаб чиқариш жараёни иштирокчилари ўртасида молиявий муносабатлар шаклланишини тадқиқ этган [7, 44-б.].

Тадқиқот методологияси. Мазкур мақолада гурухлаш, қиёсий ва иқтисодий таҳлил, статистик таҳлил, таққослаш, индукция ва дедукция каби анъанавий усуллардан фойдаланилди. Хорижий мамлакатларнинг иқтисодчи олимлари ва тадқиқотчиларининг корхона молиявий ресурсларини шакллантириш ва самарали бошқаришнинг солиқ дастакларига оид фикрлари ҳамда бу соҳадаги хориж тажрибаси илмий-амалий жиҳатдан таҳлил қилинди ва натижалари асосида хуносалар шакллантирилган.

Таҳлил ва натижалар. Молиявий ресурсларнинг мазмуни, ишлаб чиқариш жараёнидаги

молиявий-иқтисодий ўзаро алоқадорлиги ва хусусиятларини қуйидагича ифодалаш мумкин:

- ялпи ички маҳсулотни ишлаб чиқариш, тақсимлаш ва қайта тақсимлаш натижасида барпо бўладиган, тўпланиб борадиган пул маблағлари фондлари сифатида;

- якуний даромадлар, товарлар ва ишларга айирбошлаш учун мўлжалланган пул маблағлари сифатида;

- товарлар ва хизматларни сотиш натижасида барпо бўлгани боис, моддий (реал) қобиққа эга бўлган даромадлар сифатида;

- ушбу даромадларнинг вужудга келиш манбалари (таркибий элементлари) – амортизация, фойда, солиқ даромадлари, солиқ бўлмаган даромадлар, капитал трансферлари, мақсадли бюджет фондлари, давлат бюджетидан ташқари ижтимоий фондлари, бошқа тушумлар сифатида;

- асосий воситаларни капитал таъмиrlаш ва қўйилмалар, айланма маблағлар ўсган қисми, бюджет ташкилотларида узоқ муддат ишлатиладиган асбоб-ускуналар ва буюмларни сотиб олишни, ижтимоий-маданий тадбирлар, фан, мудофаа, давлат ҳокимияти ва бошқарув органларини сақлаш харажатларини молиялаштириш учун ишлатилганлиги боис, тақрор ишлаб чиқариш жараёнининг якуний молиявий натижаси сифатида (расмга қаранг).



Расм. Корхоналар молиявий ресурсларининг асосий манбалари

Манба: муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Бизнинг фикримизча, молиявий ресурслар таркибидан қарзга олинган пул маблағларининг чегирилиши кредитнинг моҳиятини корхона ўз маблағларининг етишмаган қисмини тўлдириш воситаси сифатида тушунишга асосланади. Бироқ хорижий мамлакатлар тажрибаси кўрсатишича, кредит манбаларини “қашшоқ” корхоналаргина эмас, балки юқори рентабелли корхоналар ўз маблағлари етишмаганлиги туфайли эмас, балки ўз маблағларидан янада самаралироқ фойдаланиш мақсадларида ҳам жалб этадилар. Мазкур ҳолатда кредит ёрдам воситаси эмас, балки иқтисодий дастак сифатида майдонга чиқади. Корхоналар банк маблағларидан маълум муддатда фойдаланиш ҳуқуки сифатида унинг хизматини сотиб оладилар. Суда фоизидан иборат бўлган мазкур хизмат баҳоси корхона томонидан ишлаб топилган ўз маблағлари ҳисобига тўланади. Шунга кўра, вақтида қайтариладиган кредит маблағларини корхона молиявий ресурсларининг манбаи сифатида олиб қараш мумкин.

Шундай қилиб, бир томондан, маълум вақт ичida корхоналар ихтиёрида бўлган барча пул маблағлари молиявий ресурслар ҳисобланади ва корхоналар улардан бир хилда самарали фойдаланишлари лозим; иккинчи томондан эса корхонанинг ўз ва қарз маблағларининг манбалари алоҳида ҳисобига олинмоғи лозим. Корхона молиявий ресурслари манбаларининг ўз ва қарз маблағларга бўлиниши мулк эгаси манфаатлари нуқтаи назаридан қулай ҳисобланади.

Реал сектор корхоналарида молиявий ресурсларини шакллантиришда бир неча омиллар таъсир этиши мумкин. Шулардан энг асосийларидан бири солиқقا тортиш тизими ҳисобланади. Корхоналар молиявий ресурсларининг кўпайишига ва улардан оқилона фойдаланишда бир неча омиллар таъсир қиласи.

Иқтисодиёт барқарорлигини таъминлашва ривожлантириш шароитида ҳар қандай хўжалик юритувчи субъект ўз тасарруфидаги барча ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини тўғри бошқаришни таъминлаши зарур. Иқтисодиёт олдига кўйилган вазифалардан аҳамиятлиси унинг барқарор ривожланишини таъминлашдан иборат ҳисобланади. Самарадорлик хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг молиявий натижаларида ўз аксини топади. Корхона молиявий ресурсларини тўғри бошқариш учун корхонанинг молиявий ҳолати, реурслардан оқилона фойдаланиш самарадорлиги, молиявий натижаларнинг аниқланиши ҳамда таҳлил қилиниши зарур.

Жаҳон ҳамжамияти ҳам иқтисодий, ҳам ижтимоий жиҳатдан ривожланиб борар экан, инсонларнинг истеъмол товарлари ва хизматларга бўлган эҳтиёжлари тўхтовсиз ўсиб бора-

ди. Эҳтиёжларнинг ортиб бориши объектив ҳолат, унинг талабларини ҳисобга олган ҳолда хўжалик фаолиятини юритиш ҳар қандай ривожланишнинг зарур талаби бўлиб ҳисобланади. Шунингдек, молиявий ресурсларни шакллантиришда корхонага фойда келтирадиган асосий манбаларнинг шаклланишига эътибор қаратиш аҳамиятли ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг “Солиқлар ва йиғимлар” деб номланган 16-моддасида солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар қуидагича эътироф этилган: “Солиқлар деганда, ушбу кодексда белгиланган, Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджетига ёки давлат мақсадли жамғармасига тўланадиган мажбурий беғараз тўлов тушунилади” [8].

Бундан кўриниб турибдики, тўловлар икки қисмга: солиқ тўловлари ва бошқа мажбурий беғараз тўловларга бўлинади.

Ўрганишлар шуни кўрсатдики, иқтисодий адабиётлар, илмий тадқиқотлар ва меъёрий хужжатларда “солиқ тўлови” тушунчасига турлича таърифлар ҳамда тушунтиришлар берилган. Жумладан, профессор А.Г. Грязнованинг ёзишича: “Солиқ тўлови – давлатнинг солиқ қонунчилигига асосан солиқ тўловчилар фойдаси (даромади)нинг бир қисмини давлатнинг марказлаштирилган жамғармасига йўналтириш шаклидир” [9].

М.Ф.Сафонованинг фикрича: “Солиқ тўловлари фойдадан чегирилувчи харажатлар бўлиб, корхона молиявий оқимининг асосий улушкини ташкил қиласи. Солиқ тўловлари корхонанинг ишлаб чиқариш ва хўжалик фаолиятининг барча босқичларида шаклланади, бир томондан маҳсулот баҳосининг элементи таркибига киради, иккинчи томондан ишлаб чиқариш самарадорлигига таъсир кўрсатади ҳамда бошқарув қарорларини қабул қилишда муҳим омиллардан саналади” [10, 25-б.].

Солиқ тўловлари бўйича солиқ мажбуриятларининг вужудга келиши асосида корхона уларни бухгалтерия ҳисобида харажат сифатида тан олиши керак. Молиявий ва солиқ ҳисоботларидаги маълумотларнинг объектив бўлишилиги учун даромадлар ва харажатлар тан олиниши зарур. Меъёрий хужжатлар ва иқтисодий адабиётларда келтирилган фикрлардан келиб чиқсан ҳолда, солиқ тўловларини солиқ харажатлари сифатида тан олиш керак, деган хулоса қилинди.

“Солиқ тўловлари” ёки “солиқ мажбуриятлари” корхона учун харажат бўлса, бу тушунчаларнинг харажат сифатида моҳиятини кўриб чиқишимиз зарур.

Солиқ харажатига 12-сонли “Фойда солиғи” номли бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартида: “Солиқ харажати – бу давр фойда-

си ёки заарини аниқлашда ҳисобга олинган жорий ва муддати узайтирилган солиқ бўйича умумий сумма”, – деб таъриф берилган [11].

Е.В.Егорованинг фикрича, “солиқ мажбуриятлари корхоналар учун солиқ харажатлари ҳисобланади” [12, 132-б.].

Е.Г.Дедковнинг ёзишича: Солиқ харажатлари солиқлар билан боғлиқ бўлган, ҳисобланган мажбуриятлардир [13, 17-б.]. Меъёрий хужжатлар ва иқтисодий адабиётларда келтирилган фикрлардан келиб чиқсан ҳолда, солиқ тўловларини солиқ харажатлари сифатида тан олиш керак, деган хулоса қилинди.

Мазкур масалада маҳаллий олимлардан З.Н.Курбановнинг фикрига қўшиламиз: “Корхона харажатлари, биринчидан, унинг молиявий натижаларини аниқлашда қатнашса, иккинчидан, солиққа тортиш базасини аниқлашда қатнашади. Солиққа тортиш базасини аниқлашда қатнашиши натижасида солиқ харажатлари тушунчаси намоён бўлади. “Солиқ харажатлари” тушунчаси янги иқтисодий категория эмас, балки бу тушунчани биз кўпроқ солиқ ва бошқа мажбурий ажратмаларга тўловлар сифатида қўллаб келганимиз” [14, 147-б.].

Ҳаракатдаги корхонанинг молиявий ресурслари асосий манбаи бўлиб, сотилган маҳсулот ёки хизмат нархи қатнашади ва тушумни тақсимлаш жараёнида унинг турли қисмлари пул даромадлари, жамғармалари шаклини олади. Молиявий ресурслар, асосан, фойда, амортизация ажратмалари ҳисобига шаклланади. Шу билан бирга, молиявий ресурслар манбаларига: эскирган мулкни сотишдан тушган даромад, барқарор пассивлар ва турли мақсадли тушумлар ҳисобланади. Корхонанинг молиявий ресурсларини ишлатиш қўйидаги йўналишлар бўйича амалга оширилади:

1. Молиявий мажбуриятларни бажаришда тегишли молия-бюджет тизимидағи органларга тўловлар (бюджеттга солиқ тўловларини тўлаш, ишлатилган кредит учун % тўлаш ва шу кабилар).

2. Технологияни янгилаш, ноу-хау, ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва шу кабилар билан боғлиқ капитал харажатларига ўз маблағларини жалб этиш.

3. Молиявий бозордан сотиб олинадиган қимматбаҳо қофзлар учун молиявий ресурсларни жалб қилиш (акция, облигация ва ҳоказо).

Манба ва фойдаланилган адабиётлар:

1. Paying Taxes 2022. A unique report by PwC and the World Bank Group. <http://www.pwc.com/gx/en/paying-taxes/pdf/pwc-paying-taxes-2023.pdf>
2. Мирзиёев Ш. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномаси. Тошкент шаҳри, 2022 йил 22 декабрь. <https://uz.uz/oz/politics/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeyevning-oliy-22-12-2022>
3. Янги Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган Тараққиёт стратегиясини 2022 йилда амалга ошириш бўйича Йўл харитаси - www.lex.uz
4. Райзберг Б.А. Финансы предпrijатий. Учебник для вузов. – М.: Финансы и статистика, 2017. – 432 с.
5. Золотогоров В.Г. Экономика: энциклопедический словарь. 4-изд. – Минск: Книжный дом, 2021. – 598 с.

4. Молиявий ресурслар ижтимоий рағбатлантириш хусусиятига эга бўлган пул фондларини ташкил этиш учун йўналтириш.

5. Молиявий ресурсларни хайрия, ҳомийлик ва бошқа мақсадлар учун ишлатиш. Молиявий ресурслар барқарорлигини таъминлаш учун соҳаларда бюджетлаштириш принципларини мувофиқлаштириш лозимдир [15, 24-б.].

Шу билан бирга, шуни таъкидлаш керакки, маълум бир корхонада молиявий ресурслар турларининг ўзгарувчанлиги унинг фаолият юритадиган худуди, тармоқнинг ўзига хос хусусиятлари, бошқарувнинг ташкилий-хукуқий шакли, ходимлар сони ва бошқа омилларга боғлиқ [16, 152-б.].

Хулоса ва таклифлар

1. Корхонанинг барқарор ривожланишида унинг молиявий ресурслари алоҳида ўрин тулади. Илмий адабиётларда корхонанинг молиявий ресурслари ички манбалари келтирилган бўлиб, уларни даромадлар ва тушумларга, шунингдек, қарзга олинган ва жалб қилинган ташқи манбаларга ажратиш тавсия этилади. Шу билан бирга, молиявий ресурсларнинг оптималь тузилиши хўжалик юритувчи субъектнинг барқарорлиги ва унинг барқарор ривожланишига бевосита таъсир кўрсатади.

2. Корхоналарнинг молиявий ресурслари масалалари бўйича замонавий нашрларда уларнинг табиати ва функциялари ҳақида турли хил фикрларни топиш мумкин. Агар концепция аниқ, изчил таърифга эга бўлмаса, у тўлиқ ўрганилмаган. Бу қўшимча тадқиқотлар зарурлигини кўрсатади.

Ушбу ёндашув долзарбdir, чунки бизнесни муваффақиятли ривожлантириш самарали бизнес жараёнларига асосланади. Шунинг учун молиявий ресурсларни бошқаришнинг замонавий усуллари ҳақида билимларни ошириш керак, сиз сўнгги иқтисодий ўзгаришлардан хабардор бўлишингиз керак ва ҳоказо. Молиявий ресурсларни тўғри бошқариш ҳар қандай компаниянинг асосий афзалликларидан биридир.

Капитални қаердан ва қандай жалб қилиш мумкинлиги, молиявий ресурсларни қандай тўғри тақсимлаш, товарларни қандай нарҳда сотиш, турли молиявий механизmlарни қандай бирлаштириши тушуниш муҳимдир.

6. Бланк И. Финансовый менеджмент. 5-изд. – М.: Ника-Центр, 2019. – 552 с.
7. Финансовый менеджмент. Учебник. Под ред. Ковалевой В.М. и др. – М.: Финансы и статистика, 2018. – 441 с.
8. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси. Ўзбекистон Республикасининг 30.12.2019 йилдаги ЎРҚ-599-сонли қонуни, 2-боб, 16-модда. Солиқлар ва ийғимлар.
9. Финансово-кредитный энциклопедический словарь. Под общ. ред. А.Г.Грязновой. 6-изд. – М.: Финансы и статистика, 2021. – 623 с.
10. Сафонова М.Ф. Теория и методология внутреннего контроля и аудита налоговых затрат. 08.00.12-“Бухгалтерский учет, статистика”. Диссертация на соискание ученой степени доктора экономических наук. – Краснодар, 2017. Стр. 25.
11. БХХС. 12-сон. Фойда солиқлари.
12. Егорова Е.В. Налоговый анализ как самостоятельный вид экономического анализа. / Е.В.Егорова. // Государственный университет Минфина России. Финансовый журнал. 2012. № 4. С. 131-138.
13. Дедкова Е.Г. Анализ и прогнозирование налоговых затрат на промышленных предприятиях. Дис. канд. экон. наук: 08.00.10. – Орел, 2010. – 23 с.
14. Қурбанов З.Н. Солиқ ҳаражатлари ҳисобининг назарий масалалари. “Тадбиркорликни ривожлантириш ўйлидаги тўсиқларни бартараф этиш ҳамда қулаи ишбилармонлик мұхитини шакллантиришида солиқ сиёсатининг ўрни” мавзусидаги конференция материаллари. – Т., 2016. 147-148-бетлар.
15. Синдаров Ш. Корхоналар молиявий ресурслари ва уларнинг таркибий тузилиши. Тошкент ахборот технологиялари университети. – Т., 2016. – 243 б.
16. Исаев Ф. Совершенствование налогообложения имущества. // Экономика и инновационные технологии. 2021. №. 6. С. 326-333.
17. Исаев Ф. Солиқ текширувлари: аудит самарадорлиги таҳлили. // Иқтисодиёт ва инновацион технологиилар, 2023, 11 (1), 394-401. https://doi.org/10.55439/EIT/vol11_iss1/a42
18. Исаев Ф. Йирик корхоналар мисолида солиқ ийғилувчанлиги кўрсаткичини таҳлил қилиш методикасини тақомиллаштириш. // Iqtisodiyot va ta'lim, 2022, 24 (1), 317-326. Retrieved from: <https://cedr.tsue.uz/index.php/journal/article/view/955>
19. Исаев Ф. Аудит самарадорлигининг назарий-амалий талқини. // Приоритетные направления, современные тенденции и перспективы развития финансового рынка. 2023. С. 359-361.
20. Жумаев Н., Ризаев Н. & Исаев Ф. (2023). Ўзбекистонда бухгалтерия ҳисобини ҳалқаро стандартларга мувофиқлаштириша туркӣ давлатлар тажрибаси. // Iqtisodiyot va ta'lim, 2023, 24 (2), 58-67. Retrieved from: <https://cedr.tsue.uz/index.php/journal/article/view/1014>



ДАВЛАТ ТАШҚИ ҚАРЗИ САЛБИЙ ТАЪСИРЛАРИНИ КАМАЙТИРИШДА КАПИТАЛ БОЗОРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ АҲАМИЯТИ

Мирзамахмудов Маъруфжон Махамадшариф ўғли -
Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва
молия вазирлиги, Стратегик режалаштириш ва
методология департаменти, бўлим бошлиғи

doi: https://doi.org/10.55439/ECED/vol24_iss3/a47

Аннотация. Мазкур мақолада давлат ташқи қарзи салбий таъсирларини камайтиришда капитал бозорини ривожлантириш ҳамда унинг кафолати остида жалб қилинган давлат қарзи (кредитлар), давлат томонидан олиб борилаетган иқтисодий ислоҳотларни молиялаштириш юзасидан тадқиқотлар олиб борилган. Давлат томонидан маҳаллий капитал бозорини ривожлантириш бўйича кўплаб чораларни кўриш зарурлигини тақозо этади. Шунингдек, мақолада давлат қарзини таҳлил қилган ҳолда, давлат қумматли қоғозлари ёки корпоратив қумматли қоғозлар бозорини ривожлантиришининг давлат қарзининг салбий оқибатларини камайтиришдаги ролини тартибга солиш бўйича илмий-услубий ва амалий тақлиф ва тавсиялар келтирилган.

Калим сўзлар: ташқи қарз, ички қарз, қарздорлик қолдиғи, ҳукумат кафолати, рақамли иқтисодиёт, давлат-хусусий шерикчилик шартномалари.

ЗНАЧЕНИЕ РАЗВИТИЯ РЫНКА КАПИТАЛА В СНИЖЕНИИ НЕГАТИВНЫХ ПОСЛЕДСТВИЙ ГОСУДАРСТВЕННОГО ВНЕШНЕГО ДОЛГА

Мирзамахмудов Маруфжон Махамадшариф угли -
Министерство экономики и финансов Республики Узбекистан,
Департамент стратегического планирования и
методологии, Начальник отдела

Аннотация. Несмотря на то, что государственный долг (займы), привлекаемый от имени государства или под его гарантии, является быстрым и доступным финансовым ресурсом по отношению к государственному бюджету и соглашениям о государственно-частном партнерстве по финансированию проводимых государством экономических реформ, во многих случаях становится дороже по сравнению с капиталом, который может быть привлечено к перевооружению предприятия с государственным участием. Это обуславливает необходимость принятия государством многих мер по развитию местного рынка капитала. В данной статье, анализирующей государственный долг, рассматривается роль развития рынка государственных ценных бумаг или корпоративных ценных бумаг в снижении негативных последствий государственного долга и излагаются его предложения по усилению этого значения.

Ключевые слова: внешний долг, внутренний долг, остаток долга, государственная гаранция, цифровая экономика, соглашения о государственно-частном партнерстве.